

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

Кафедра мудири

« _____ » _____ 2015 йил

**БАНКЛАРДА “ФРОНТ-ОФИС” ТИЗИМИ АСОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Илмий раҳбар:

« _____ » _____ 2015 йил

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» йўналиши битирувчи 4-курс
талабаси Абидходжаева Азиза
Нигмаджонова

« _____ » _____ 2015 йил

ТОШКЕНТ – 2015

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Иқтисодий ва модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида тижорат банклари бозор инфратузилмасидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун функцияларини тўлақонли тарзда бажаришлари талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашни тақозо қилади. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шarti – тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганларидек: «... Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.»¹

Банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги; тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилиш; бухгалтерия ҳисобини шакллантириш, уни ташкил қилиш, самарали бўлиши ва қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, Ю.Г. Вешкин, Дж. Синки, О.В. Ефимовой, Е.П. Жарковская, Е.П. Козлова, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушина, Д. Мак Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, Я.В. Соколов, Ф. Стивен, А.Д. Шереметларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асосларининг айрим жиҳатлари республикамиз олимларидан Ш.З. Абдуллаева, Б.Т. Бердияров, Н.Ю. Жўраев, Н.Ф. Каримов, Ё.А. Маҳмудалиева, С.Ш. Юлдашев, А.Қ. Қодировларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш яхлит ҳолда ўрганилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий–услубий масалаларини ривожлантириш зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мазкур мавзу тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни инобатга олиб, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишда уларнинг назарий, услубий

¹ И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодий тизимда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир. Халқ сўзи.//2015 йил 17 январь, №11(6194)

асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш орқали иқтисодийни модернизациялаш шароитларидан келиб чиқиб, халқаро андозаларга мослаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг мақсадига эришиш учун кўйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилади:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкларда “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асосларини ёритиш;
- фронт-офис тизимининг тузилишини очиб бериш;
- тижорат банкларнинг ҳисобварақлар режаси ва унинг мохиятини ёритиш;
- ХАТБ “Инфинбанк”да банк операцияларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини ёритиш;
- ХАТБ “Инфинбанк”да аналитик ва синтетик ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини очиб берилиш;
- ХАТБ “Инфинбанк”да бош китоб ва унинг материаллари ҳисобининг синтетик ҳолатини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг объекти ХАТБ “Инфинбанк”нинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ахборотларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, ХАТБ “Инфинбанк”нинг “Фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш усулларини ўрганиш ҳисобланади.

Илмий янгиликлари. Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари кўйидагилардан иборат:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкларда “фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асосларини ёритилди;
- фронт-офис тизимининг таркибий тузилиши тузилишини очиб берилди;
- тижорат банкларнинг ҳисобварақлар режаси ва унинг мохиятини ёритилди;
- ХАТБ “Инфинбанк”да банк операцияларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартибини ёритилди;
- ХАТБ “Инфинбанк”да аналитик ва синтетик ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;
- ХАТБ “Инфинбанк”да бош китоб ва унинг материаллари ҳисобининг синтетик ҳолатини ўрганилди.

Битирув малакавий ишининг назарий-услубий асослари. Битирув малакавий ишида банкларда “фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда асос бўлувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республика Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари, банклар фаолиятига оид Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари (МХҲА), мамлакатимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан банкларда “фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга бағишланган ёзилган асарлари манба бўлиб ҳисобланди.

Битирув малакавий иши натижаларининг амалий ва илмий аҳамияти. Битирув малакавий иши натижаларига кўра олинган тавсиялар ва таклифлар ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёнларида фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БАНКЛАРДА «ФРОНТ-ОФИС» ТИЗИМИ АСОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банк тизимидаги устувор йўналишлар ва уларни бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантиришга таъсири

2015 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Шунингдек, 2015 йил учун банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-440–II-сонли Қарорида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифа ва топшириқларнинг ижроси инобатга олинган.

Хусусан, ушбу вазифалар доирасида 2015 йилда республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш, банк назорати тизимини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш ҳамда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Бунда банк тизимини янада ривожлантириш борасидаги тадбирлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, шу жумладан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

2015 йилда банк назорати бўйича Базель кўмитасининг банк ликвидлиги борасидаги янги тавсияларига («Базель-III» талабларига) мувофиқ, республика банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб ликвидликни таъминлаш борасидаги мавжуд талабларни бажариш муддати 30 кундан ортиқ бўлган мажбуриятлар бўйича қўшимча меъёрларни жорий қилиш ҳисобига янада кучайтирилиб борилади.

Шунингдек, 2015 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштиришда асосий эътибор:

– алоҳида банклар молиявий ҳолатининг ёмонлашишини олдини олиш ҳамда кредит ташкилотларининг ўзаро боғлиқлигини камайтириш мақсадида янги халқаро андозаларга мувофиқ капиталлашув ва рискларни бошқаришга бўлган талабларни янада кучайтиришга;

– банк тизимидаги тизимли таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган макропруденциал таҳлилнинг замонавий усуллари жорий қилиш бўйича ишларни давом эттиришга;

– илғор халқаро тажрибага асосланган ҳолда банкларнинг ликвидлик рискига таъсирчанлигини макромоделлардан фойдаланган ҳолда стресс-тестлардан ўтказиш амалиётини такомиллаштириш ва жорий қилиш кўламини янада кенгайтиришга;

– иқтисодиётни, жумладан, хусусий сектор корхоналари ва аҳолини кредитлаш кўламинининг узлуксиз кенгайтириб борилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган кредит рискинни камайтириш борасидаги зарурий тадбирларни амалга ошириб боришга;

– рискларни бошқаришнинг ички тизимларига катта урғу берилган ҳолда харажатлар ва даромадларнинг мақбул таркиби ва даражасини таъминлаш орқали банкларнинг операцион фаолияти самарадорлигини янада ошириш чораларини кўришга;

– турли молиявий босқичларда шакллантириладиган захиралар бўйича харажатларнинг банкларга тушадиган юкмасини камайтириш мақсадида динамик захиралар тизимини ривожлантириш каби зарур чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.

Ф.Т Абдувахидовнинг фикрига кўра: Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини халқаро меъёр ва андозалар асосида янада такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттириш.²

Хусусан, 2015 йилда:

– тижорат банкларидаги корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ҳамда унинг юқори даражадаги шаффофлигини таъминлаш мақсадида турли меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларда банклардаги корпоратив бошқарув бўйича белгиланган норма ва талабларни ягона ҳужжатга бирлаштириш;

– банкларга янги мижозлар, инвесторлар ва ҳамкорларни жалб қилиш шароитларини янада яхшилаш мақсадида банкларнинг бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг акциядорлар, омонатчилар, бошқа манфаатдор шахслар ҳамда молия ва пул бозори иштирокчилари учун очиклигини таъминлаш борасидаги ишларни кенгайтириш;

– банклар фаолиятини бошқариш жараёнида самарали ва тўғри қарорлар қабул қилинишини таъминлашда жамоавий тажрибани ривожлантириш мақсадида банк Кенгашининг мақбул таркиби, Кенгаш аъзоларининг белгиланган малакавий талабларга риоя этишлари устидан назоратни кучайтириш;

² Абдувахидов Ф.Т ва бошқ. Банкларда бухгалтерия ҳисоби.Т.:, ТДИУ, 2010, 224

– банк Кенгашлари таркибини шакллантириш жараёнида юқори малакали ва бетараф аъзоларни танлаш ва тайинлаш тартибини жорий этиш орқали Кенгашлар мустақиллигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

3. Тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва диверсификациялаш.

Бунда асосий эътибор:

– тижорат банкларининг капиталлашув даражаси камида 20 фоиз миқдорда ўсишини, шунингдек, банк акцияларини чиқариш ва уларни аҳоли ва бошқа инвесторлар ўртасида жойлаштириш орқали банк устав капиталининг ўсиб боришини таъминлашга;

– банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектор улушини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни сифатли амалга оширишга;

– акциялар чиқарилаётганлиги ва уларнинг фонд биржасида сотилаётганлиги ҳақида республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада оширишга қаратилади.

Ўз навбатида, тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор воситалари ва механизмларидан самарали фойдаланиш ҳисобига, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда омонатлар ва депозитларнинг янги турларини мунтазам жорий этиб бориш, муомалага узоқ муддатли облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга, шунингдек, субординанланган қарзларни фаол жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Тижорат банкларидаги омонатларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ҳукумат қарорини ва унга мувофиқ Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш ҳамда унда:

– тижорат банкларининг депозит сиёсатини янада такомиллаштириш;

– омонатларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўлиқ қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

– омонатлар бўйича фоиз ставкаларини мақбуллаштириш;

– тижорат банкларининг умумий омонатлари таркибида узоқ муддатли омонатлар улушини ошириб бориш;

– омонатлар муддатларини банк активлари муддатларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштиришни кўзда тутувчи чора-тадбирларни акс эттириш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажминини янада ошириш, шу жумладан, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш.

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратиладиган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, 2015 йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо қилиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги янги турар-жойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 2014 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодий кредитлаш ҳажмини кенгайтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кредит хатарларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан активларни диверсификация қилиш, шу жумладан, кредит портфелини яхшилаш, таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган зарур чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2015 йилда тижорат банклари томонидан 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги воситаларидан:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, фермер хўжаликларининг ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг, айниқса, қишлоқ жойларда иш ўринларини ташкил этишга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ҳажмини ошириш;

– узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

– «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш имкониятларидан кенг фойдаланилади.

6. Кўрсатилаётган банк хизматларининг турини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш.

Бу йўналишда банк тизими инфратузилмаси тармоғини, айниқса, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, масофадан туриб хизматлар кўрсатишни кенгайтиришга, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ҳамда банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига янада яқинлаштириш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматлари («Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг»)

кўрсатиш кўламларини янада кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банк пластик карталарини муомалага чиқариш ҳажмини ва ўрнатилган терминаллар сонини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими янада кенгайтирилади. Бунда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда банк пластик карталари ёрдамида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириб боришда хавфсизлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, «Электрон ҳукумат» ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш, Клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаштириш» лойиҳасини амалиётга жорий этишни кенгайтириш мақсадида тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарнинг мазкур Клиринг тизимига уланишини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилади.

7. Тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

Хусусан, ушбу йўналишдаги ишлар доирасида:

– бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш мақсадида етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган баҳолаш меъёрлари, мезонлари ва андозаларини жорий қилиш кўламини уларни нобанк ва бошқа молия ташкилотлари фаолиятини баҳолашда қўллаш ҳисобига кенгайтириш;

– республика тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳоларининг мунтазам равишда янгиланиб ва янада ошиб борилишини таъминлаш;

– етакчи халқаро рейтинг агентликларининг тавсияларига мувофиқ тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технологиялари ва услубларини жорий этиш бўйича фаолиятни кучайтириш;

– молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва тақдим қилишда унинг шаффофлиги, жумладан, халқаро таққосланувчанлик, даврийлик, муддатлилик ва сифатлилик тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш;

– банклар ва уларнинг қимматли қоғозларига берилган рейтинг баҳолари, ушбу баҳоларнинг ошиши ёки пасайиши тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш;

– етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизими, мезон ва андозалари бўйича банк тизими мутахассисларининг билим ва малакаларини ошириш тадбирлари тизимли равишда давом эттириб борилади.

8. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро меъёр ва стандартлар асосида янада такомиллаштириш.

2015 йилда Жаҳон банкининг техник кўмагида амалга оширилаётган республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МҲХС) тўлиқ мослаштириш борасидаги тадбирлар давом эттирилади.

Хусусан, тижорат банклари томонидан йиллик молиявий ҳисоботларнинг МҲХС талаблари асосида тайёрланишини ташкил этиш мақсадида «Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати» лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни МҲХСга мослаштириш мақсадида уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давом эттирилади.

Шунингдек, 2015 йилда МҲХСни жорий этиш ва қўллаш бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлашда бевосита иштирок этувчи тегишли мутахассисларни ўқитиш, билим ва малакаларини ошириш бўйича тижорат банклари билан биргаликда ўқув дастури ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича ишларнинг давом эттирилиши банк фаолиятининг шаффофлигини оширишга, бу эса, ўз навбатида, хорижий инвесторлар ва халқаро ташкилотларнинг, омонатчилар ва миқозларнинг банк тизими тўғрисида етарлича маълумот олишига, миллий молия-банк тизимининг халқаро молиявий тизимга интеграциялашув жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

9. Микромолиялаш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш.

2015 йилда нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва барқорорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади ҳамда ушбу йўналишда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2015 йилда:

– нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлашни такомиллаштириб бориш;

– нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати ва барқорорлиги маҳаллий рейтинг компаниялари томонидан баҳоланишини янгилаб борилишини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари томонидан гаров реестри билан ахборот алмашиш тизимини жорий этиш;

– республикада нобанк кредит ташкилотларининг барқорор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан нобанк кредит

ташкilotлари фаолиятини масофадан туриб ва жойида назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

10. Гаров реестри тизими фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш.

Республикамизда гаров реестри тизимини яратиш ва унинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида 2015 йилда:

– гаров реестрида гаров таъминоти воситаси сифатида қўйилган мол-мулкларга нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ва бошқа ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот базасини шакллантириш ва унинг тегишли маълумотлар билан мунтазам янгилаб борилишини таъминлаш;

– гаров реестрини юритувчи ташкilot билан тузилган шартнома асосида гаров реестрига ёзув киритиш ҳуқуқига эга бўлган кредитор ва қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг гаров реестрига маълумотларни киритиш ва ундан тезкор фойдаланиш борасидаги имкониятларини ошириб бориш;

– гаров реестрининг унинг маълумотларидан фойдаланувчилар билан алоқа механизмларини такомиллаштириш ва техник имкониятларини ошириб бориш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

11. Молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андозалар ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасининг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида:

– Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки экспертлари тавсиялари асосида Марказий банкнинг банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва зарур ҳолларда янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– операцион, кредит, валюта рисклари ҳамда депозит операциялари билан боғлиқ рискларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги меъёрий талабларни янада такомиллаштириш;

– молиявий ҳисоботларни ва уларни эълон қилиш тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасидаги талабларни янада кучайтириш борасидаги бошқа бир қатор ишлар амалга оширилади.

1.2. Банкларда «фронт-офис» тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мазмуни ва моҳияти

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда банк хизматларининг сифатини янада ошириш банкларда “фронт-офис” тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини тақозо этади.

Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К.нинг фикрларига кўра: Фронт-офис мижозлар билан бевосита муомалада бўладиган ва барча банк хизматларини кўрсатадиган банкнинг операцион ходимлари гуруҳидан иборат бўлади.³

Фронт-офиснинг умумий вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Банк мижозларига хизмат кўрсатишни таклиф қилиш ва улар юзасидан шартномалар тузиш;

2. Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини, шу билан бирга Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали электрон ҳужжатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш;

3. Мижозларнинг банк орқали ўтадиган операцияларини ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан дастлабки назоратдан ўтказиш;

4. Мижозларга пул ҳисоб-китоб операцияларини ўтказилишини тасдиқловчи тилхат бериш.

Фронт-офис қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

1. Юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи корпоратив бўлим;

2. Жисмоний шахсларга чакана банк хизматлари кўрсатувчи бўлим;

3. Банкнинг ички операциялари (депозит, кредит, қимматли қоғозлар, валюта операциялари. ...) амалга оширувчи бўлим.

Фронт-офис таркибида банк учун ўта муҳим мижозлар (VIP) га хизмат кўрсатувчи алоҳида бўлим ташкил этилиши мумкин. Қуйида Фронт-офис таркибий бўлимларининг асосий вазифалари келтирилган.

Корпоратив мижозлар билан ишлаш бўйича бўлим:

1. Банк операцияларини амалга ошириш қоидаларини мижозларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;

2. Банк хизматлари бўйича мижозлар билан шартномалар тузиш;

3. Корпоратив мижозлардан (шу билан бирга шартномалар бўйича тўловлар) пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;

4. Мижозларга амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи банк ҳисобварағидан кўчирмалар, квитанциялар ва бошқа маълумот ҳужжатларини бериш;

5. Мижозлар билан стандарт шаклдаги депозит шартномаларини тузиш жараёнини амалга ошириш;

6. Банк мижозларининг шартномаларини текшириш ва қабул қилиш;

7. Мижозларнинг конвертацияга берилган аризаларни кўриб чиқиш;

8. Мижозларнинг нақд пул операцияларини банк ахборотлаштириш базасида қайд этиш (ташқи тўловлар истисно қилиниши мумкин). Бунда, нақд пул операциялари деганда мижознинг иштирокида дарҳол амалга ошириш лозим бўлган операциялар назарда тутилади. Ушбу ёзувлар (қайдлар) асосида банк ахборотлаштириш базасида бухгалтерия ҳисобида ифодалаш учун ўтказмалар автоматик тарзда шакллантирилади.

³ Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «MOLIYA», 2010. - 272б.

9. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.

10. Ҳужжатларни архивга тайёрлаш ва ўз вақтида шакллантириш.

Чакана операциялар бўлими:

1. Банк чакана операцияларини амалга ошириш қоидаларини мижозларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;

2. Банк хизматлари бўйича мижозлар билан шартномалар тузиш;

3. Жисмоний шахс-мижозлардан (шу билан бирга шартномалар бўйича тўловлар) пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;

4. Мижозларга банк орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи банк ҳисобварағидан кўчирмалар, квитанциялар ва бошқа маълумот ҳужжатларини бериш;

5. Мижозлар билан стандарт шаклдаги депозит шартномаларини тузиш жараёнини амалга ошириш;

6. Мижозларнинг нақд пул операцияларини банк ахборотлаштириш базасида қайд этиш (ташқи тўловлар истисно қилиниши мумкин). Бунда, нақд пул операциялари деганда мижознинг иштирокида дарҳол амалга ошириш лозим бўлган операциялар назарда тутилади. Ушбу ёзувлар (қайдлар) асосида банк ахборотлаштириш базасида бухгалтерия ҳисобида ифодалаш учун ўтказмалар автоматик тарзда шакллантирилади.

7. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоботларни тузиш, текшириш, таҳлил қилиш ва ўз вақтида тақдим этиш.

8. Ҳужжатларни архивга тайёрлаш ва ўз вақтида шакллантириш.

Кредитлаш бўлими:

1. Стандарт кредит шартномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

2. Кредитларнинг янги турларига таклифларни йиғиш;

3. Банк Кредит сиёсатининг йўналишларини аниқлаш учун ҳар хил иқтисодий секторларини молиявий таҳлил қилиш;

4. Кредит бериш шартлари бўйича мижозларга маслаҳат бериш ва тушунтириш ишлари олиб бориш, мижоз билан кредит мақсадини дастлабки муҳокамадан ўтказиш;

5. Кредит бериш учун қарор қабул қилиш учун мижоз томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини аниқлаш;

6. Мижоздан кредит олиш учун ариза қабул қилиш;

7. Мижознинг кредитга лаёқатлигини ва кредит олишнинг иқтисодий асосланганлигини таҳлил қилиш;

8. Кредит қўмитасига кредит бериш учун таклифлар тайёрлаш;

9. Кредит шартномасини тайёрлаш;

10. Мижоз билан кредит шартномасининг шартларини муҳокама қилиш;

11. Мижоздан гаров (кафолат) мажбуриятларини қабул қилиш;

12. Бэк-офис учун кредитнинг барча молиявий шартларини ўз ичига олган Кредит анкетасини тайёрлаш;

13. Имзоларни текшириш;

14. Мижоз томонидан тақдим этилган баланс ва бошқа ҳисоботлар асосида, унинг молиявий ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш.

15. Янги берилган кредитлар мониторингини ва амалдаги кредитларнинг доимий текширувини олиб бориш (мақсадли ишлатилиши, ўз вақтида сўндирилиши ...);

16. Мижознинг ҳисобварағида сўндириш учун маблағ етарли бўлмаган ҳолларда, мижозга кредит ва/ёки фоизларни сўндириш тўғрисида эслатиб туриш;

17. Мижозлардан қарзни узиш учун маблағларнинг келиб тушмаслик сабабларини аниқлаш;

18. Кредит шартлари ўзгарган ҳолда (яъни, муддатини узайтириш, қарз узиш жадвалининг ўзгариши ва бошқалар) Бэк-офисга фармойишлар тайёрлаш;

19. Кредит кўмитаси қарорлари ва Кредит анкетаси асосида кўшимча шартномаларни тайёрлаш;

20. Кредитни «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказиш тўғрисида қарорлар тайёрлаш;

21. Бэк-офис ходимларига кредитни қайтариш масалалари бўйича малакавий ёрдам кўрсатиш.

Пул муомаласи бўлими:

1. Мижознинг касса режасини қабул қилиш ва текшириш;

2. Касса операциялари бўйича ҳисоботларни тузиш;

3. Корпоратив мижозларнинг нақд пул қўйиш учун тақдим қилган аризаларини текшириш;

4. Корпоратив мижозларнинг нақд пул олиш учун тақдим этилган аризаларини текшириш;

5. Мижозларнинг касса операциялари бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиши устидан назорат ўрнатиш.

1.2. Банкларда «фронт-офис» тизими асосида бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари ва аҳамияти

Банкларда жамланма ва таҳлилий ҳисоб операциялари алоҳида бухгалтерия регистрларида қайд этилади. Синтетик ҳисоб юритишда Бош китобдан ва аналитик ҳисоб юритишда Ёрдамчи китоблардан фойдаланилади.

Бош китобда банк операцияларини ҳисобини юритиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган жамланма маълумотлар қайд этилади. Унда ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдиқ, кун давомида амалга оширган операцияларнинг айланмаси ва кун охирига қолдиқ суммалари акс эттирилади.⁴

Ёрдамчи китобларда бухгалтерия операциялари батафсил ва тўлиқ акс эттирилади. Ёрдамчи китобларнинг шакли ва турлари ҳар бир банк томонидан мустақил белгиланади.

Бош китоб ва Ёрдамчи китоб ҳисобварақларида ҳисоб операциялари албатта иккиёқлама ёзув қоидасига амал қилган ҳолда қайд этиш ёки ушбу ҳисобварақлар билан корреспонденция бўлган ҳисобварақлар рақамлари кўрсатилиши шарт.

⁴ Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

Ёрдамчи китоб ҳисобварақларига нисбатан олганда Бош китоб ҳисобварақлари назорат ҳисобварақлари ҳисобланади. Ёрдамчи китобдаги якуний суммалар ҳар банк иш кунининг охирида, шунингдек ой охирида, янги ойнинг биринчи куни ҳолатига кўра уларнинг Бош китобдаги назорат суммаси балансдаги сумма билан бир хил бўлиши лозим.

Хорижий валютадаги операциялар бўйича Бош ва Ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида юритилади.

Банк операцияларини ҳисоб регистрларида қайд этиш дастурий йўл билан амалга оширилади.

Банк томонидан амалга ошириладиган бирламчи операцияларнинг ҳисоби дастлаб шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) акс эттирилади.

Шахсий ҳисобварақларга ёзувлар фақат тегишлича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлари асосида киритилади. Шахсий ҳисобварақ қуйидаги реквизитлардан иборат:

- шахсий ҳисобварақнинг номи;
- чиқиш шаклининг рақами;
- шахсий ҳисобварақни чоп этиш тартиб рақами (яъни компьютер қўйган рақам);
- шахсий ҳисобварақни тузган банк коди ва номи;
- шахсий ҳисобварақнинг рақами ва унинг номи;
- ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- ишлов бериш санаси;
- ҳисобварақдаги сўнгги ҳаракат санаси;
- кун бошидаги қолдиқ суммаси;
- кун охиридаги қолдиқ суммаси;
- бухгалтерия ёзувларининг тартиби бўйича рақами;
- ҳужжат тури;
- ҳужжат рақами;
- ҳужжат тури (тоифаси);
- вакил банкнинг коди;
- дебет бўйича айланмалар суммаси;
- кредит бўйича айланмалар суммаси;
- дебет бўйича айланманинг умумий суммаси;
- кредит бўйича айланманинг умумий суммаси.

Мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бошланғич ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан тайёрланади. Мижозга бериш учун шахсий ҳисобварақдан кўчирма бир нусхада чоп этилади ва у мижознинг ҳисобварағидан амалга оширилган операцияларни банк томонидан тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўчирма мижоз билан келишилган тартибда унга тақдим қилинади.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар компьютер ёрдамида тайёрланганлиги учун, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди.

Банклар учун шахсий ҳисобварақлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлган ҳолларда Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонасида сақланаётган маълумотлардан фойдаланилади.

Ҳисобварақнинг кредити бўйича ўтказилган суммалар юзасидан, шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларга ҳисобварақ бўйича ёзувлар киритишга асос бўлган ҳужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади.

Бир банк хизмат кўрсатувчи мижозлар ўртасидаги тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилган тўловлар бўйича пул олувчига тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси, эълоннома асосида топширилган нақд пул киримининг тасдиғи сифатида ордер иловаларга қўшилади.

Кўчирмаларга илова қилинадиган ҳужжатларга штамп, шунингдек ҳужжат шахсий ҳисобварақ бўйича ўтказилган сана календарь штемпели босилиши керак (агар бу сана ҳужжат ёзилган санага мос келмаса). Штамп фақат кўчирманинг асосий иловасига қўйилади. Асосий иловада қайд этилган операцияларнинг мундарижаси ва умумий суммасини тушунтирувчи ҳамда талқин этувчи қўшимча ҳужжатларга штамп қўйилмайди.

Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С.ларнинг фикрларига кўра: Мижозлар ҳисобварақларидан кўчирмаларига илова қилинадиган, пули тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ишлов беришнинг дастлабки босқичидаёқ, банк штамп икки муҳри босилнадиган иккинчи нусхалари, шунингдек кирим-касса операцияларига доир ҳужжатлар юқорида айтилган штамп билан тасдиқланмайди.⁵

Кўчирмалар мазкур ҳисобварақ бўйича биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ёки уларнинг ишончнома тақдим этган вакилларига тилхат билан берилади. Бундай ишончномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим. Мижоз обуна қутилари орқали ариза топширганда эса, кўчирмалар тилхатсиз берилади.

Банк мижозлар ҳисобварақлари аҳволи тўғрисида ёзма маълумотларни учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда берилади.

Мижоз шахсий ҳисобварақдан кўчирмани йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз аризасига кўра банк раҳбари ёки унинг ўринбосари берадиган ёзма рухсатнома асосидагина мижозга берилиши мумкин. Мижоз ўз аризасида кўчирма йўқолиши сабабларини кўрсатиши, аризага корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган бўлиши шарт. Дубликатнинг сарварағига қуйидагилар ёзилади: «20__ йил «__» _____ даги кўчирма дубликати».

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар дубликатлари маълумотлар омборхонасидан чиқариб берилади. Кўчирма дубликати мижоз вакилига берилаётганида ундан аризага тилхат ёздириб олинади.

Ёрдамчи китобдаги маълумотлар Бош китобда жамланади. Бош китоб маълумотлари асосида қуйидагилар тузилади:

⁵ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 458 бет.

баланс ҳисобварақларининг кунлик қолдиқ суммалари — кунлик баланс;
баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва кун бошига ва охирига
қолдиқ суммалари — айланма-қолдиқ суммалари қайдномаси;
ойлик, чораклик ва йиллик айланма-қолдиқ суммалари қайдномалари.

Бош бухгалтернинг хоҳишига кўра, эмиссия-касса операциялари, хорижий
операциялар, шунингдек «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақлари бўйича
жамланма карточкалар юритилиши мумкин.

Касса журналлари дастурий йўл билан касса кирими ва чиқими бўйича
алоҳида икки нусхада тузилади ҳамда баланс ҳисобварақлари ва бутун журнал
бўйича якунлар чиқарилади. Якунлар касса билан таққослангандан сўнг, биринчи
нусхалар Ёрдамчи китоб маълумотларини Бош китоб маълумотлари билан
таққослаш, шунингдек кирим-чиқим ҳужжатларини таққослаш ва йиғмажилдга
тикиш ҳамда ҳар куни компьютерда архивациялаш учун жавоб берадиган
ходимга берилади.

Ҳар куни дастурий йўл билан ҳисобварақлар айланмалари ва қолдиқлари
тўғрисидаги жамланма маълумотлар олинади. Уларда баланс ҳисобварақларининг
рақамлари, ҳисобварақлар номлари, ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига
қолдиқ суммаси, дебет ва кредит айланмалари ҳамда кун охирига қолдиқ суммаси
кўрсатилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни шу ҳисобварақларни юритиш
топширилган бухгалтерия ходимлари назорат қиладилар. Бунда шахсий
ҳисобварақлардаги барча ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан
ўтган ва операциялар расмийлаштирилаётганида улар имзолаган тегишли
ҳужжатларга мослиги, тегишли реквизитлар ва ҳужжатларнинг суммалари
шахсий ҳисобварақларга тўғри ўтказилганлиги текширилади.

Шахсий ҳисобварақлар айланмалардаги ҳар бир дебет ва кредит бўйича
ёзувлар суммаларини банкнинг ўзи расмийлаштирган пул ҳисоб-китоб
ҳужжатлари ва бошқа банклардан келган электрон тўлов ҳужжатларидаги
суммалари билан бирма-бир солиштириш орқали текширилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги кун бошидаги қолдиқ суммалари уларни ўтган
кундаги шахсий ҳисобварақлар қайдномасининг кун охиридаги қолдиқлар
суммалари билан солиштириш орқали текшириб чиқилади.

Шахсий ҳисобварақларнинг кун охиридаги қолдиқлари кундалик айланма-
қолдиқ суммалар қайдномаси бўйича ҳамда қуйидагилар таққослаш йўли билан
текширилади:

ҳисобварақ рақами, ҳисобварақ номи ва кун охиридаги қолдиқ (бу қолдиқ
шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқлар билан таққосланади).

Бош китобнинг назорат ҳисобварақларидаги маълумотлар Ёрдамчи
китобдаги тегишли ҳисобварақларнинг якуний суммалари билан таққосланади.
Агар дастлабки ёзувларда хато бўлмаса, суммалар тенг чиқади.

II- боб. ХАТБ “Инфинбанк”да «фронт-офис» тизими асосида банк операциялари бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати

2.1. ХАТБ “Инфинбанк”да «фронт-офис» тизими асосида ҳисобварақлар режаси ва унинг тузилиши

Ҳар бир банк ўз бухгалтерия ҳисобини барча банклар учун бир хил бўлган ҳисобварақлар режаси асосида олиб боради. 1997 йил апрелига қадар республикадаги барча банклар собиқ иттифоқ даврида тузилган ягона ҳисобварақлар режаси асосида иш юритар эдилар. Лекин иқтисодийётимизни янги бозор муносабатлари асосида ташкил этар эканмиз, иқтисодийётни изга солиб, уни назорат қилиш учун бухгалтерия ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган яхлит тизимга мослаштириб олиб бориш талаб этилди. Шу сабабли, республика банклари бухгалтерия ҳисобини янги ҳисобварақлар тизими асосида ташкил этишга киришдилар.

Республикамиз банк тизимини янги ҳисобварақлар режасига ўтказишдан олдин МДХ банк тизимининг тажрибаси батафсил ўрганилади. Шунингдек, Халқаро валюта фондинг таклиф ва тавсиялари инобатга олинган ҳолда, Жаҳон банки томонидан махсус «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислох қилиш» лоихаси Ўзбекистон Республикasi Марказий банки раҳбарияти томонидан қабул қилинди ва халқаро «Артур Андерсен» Аудиторлик фирмаси ушбу лоихани Республика Марказий банки мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилади⁶.

1995 йил Артур Андерсен аудиторлик фирмаси билан шартнома тузилган эди. Шартномада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ислох қилиш кўзда тутилган эди. Фирма Республика Марказий банки билан биргаликда банкнинг янги ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқди. 1996 йил 13 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг 289-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобварақлар режаси”, 290-сонли қарори билан эса “Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси” тасдиқланди. 1997 йил 1 апрелдан барча банклар бухгалтерия ҳисоби янги ҳисобварақлар режаси асосида олиб борила бошланди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотига кўшилганлиги, жаҳон бозор муносабатлари тизимига ўтганлиги банклар учун янги ҳисобварақлар режасига ўтиш заруриятини келтириб чиқарди. Қолган барча сабаблар шулардан келиб чиқади:

-биринчидан, республикада икки поғонали банк тизимининг барпо этилиши;

-иккинчидан, давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши;

-учинчидан чет эл инвестицияларнинг жалб қилиниши;

-тўртинчидан, чет эл корхона ва ташкилотлари билан шерикчилик муносабатларининг ўрнатилиши;

⁶ТЕМИРОВ А.А. “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва оператив техника” Ўқув қўлланма Тошкент- 2009 й.-215б.

-бешинчидан, ҳисоботларни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада тузилишни таъминлашдир.

Янги ҳисобварақлар режаси аввалгисидан фарқ қилади. Эски ҳисобварақлар режаси 2 қисмдан иборат бўлиб, бири баланс ичидаги ҳисобварақларни, иккинчи қисми балансдан ташқари ҳисобварақларни ўз ичига олар эди. Баланс ичидаги ҳисобварақлар мазмунан гуруҳлаш принципи асосида тузилган бўлиб 24 бўлимдан иборат эди. Хар бир бўлимда актив, пассив ва аралаш характердаги актив-пассив ҳисобварақлар жойлашган, ҳамда улар бўйича операциялар икки ёқлама ёзув асосида олиб борилар эди. Балансдан ташқари ҳисобварақлар эса 8 бўлимга гуруҳланиб, бу ҳисобварақлар бўйича ёзувлар бир томонлама, яъни кирим ёки чиқим кўринишида юритилар эди.

Янги ҳисобварақлар режаси ҳам мазмунан, ҳам тузилиш жихатидан эскисидан фарқланади.

Илгари Марказий банк ҳам, тижорат банклар ҳам бухгалтерия ҳисобини ягона ҳисобварақлар режаси асосида юритар эдилар. Хар бир ҳисобварақ номери ва номи ёнига қайси банкда ишлатилиши хақида белги қўйилган эди. Янги ҳисобварақлар режаси юқорида эслатиб ўтганимиздек, Марказий банк учун алоҳида, тижорат банклари учун алоҳида ишлаб чиқилди. Бунда хар икки банк фаолиятининг хусусиятлари ҳисобга олинди. Масалан, Марказий банк эмиссия маркази бўлиб ҳисоблангани учун кассадаги пуллар банкнота ва тангаларга бўлинган ҳолда кўрсатилади. Тижорат банклари кассаларидаги пулларни бундай бўлиш учун алоҳида ҳисобварақлар очилмайди. Бундан ташқари Марказий банк барча тижорат банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этади. Шу сабабли бундай ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун олинандиган банклараро ҳисоб-китоблар бўйича транзит ҳисобварақлар ва тўланадиган банклараро ҳисоб-китоблар бўйича транзит ҳисобварақлар очилган. Бундай ҳисобварақлар тижорат банкларнинг режасида йўқ.

Тижорат банклар иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларининг турли мулкчилик шаклларига тегишли хўжаликларга хизмат кўрсатади, шунга асосан тижорат банкларда алоҳида ҳисобварақлар очилади. Марказий банк эса халқ хўжалигига эмас, балки ҳукумат ва назорат органларига хизмат кўрсатади. Шундай хусусиятлар хар икки банк режаларида ҳисобга олинган.

Ҳисобварақлар режаси умуман 6 бўлимдан иборат бўлиб, улардан бештаси баланс ичидан ҳисобварақларни ўз ичига олади, охириги олтинчи бўлим эса балансдан ташқари ҳисобварақлардан иборат. Янги режанинг яна бир характерли хусусиятлари шундан иборатки, бундаги балансдан ташқари ҳисобварақлар ҳам баланс ичидаги ҳисобварақлар каби икки ёқлама ёзув асосида олиб борилади. Хар бир бўлим асосий ва ёрдамчи ҳисобварақларни (субсчет ёки иккинчи тартиб ҳисобварағи) ўз ичига мужассамланган. Бунда актив ҳисобварақлар активларнинг ликвидлигига ва пассив ҳисобварақлар пассивларнинг талаб қилинишига қараб жойлаштирилган. Бу халқаро стандартларга мос келади. Умуман айтганда, банк активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобварақлар алоҳида бўлимларга киритилган . Яъни

I бўлим 10000 - Активлар

II бўлим 20000 - Мажбуриятлар

III бўлим 30000 - Капитал
 IV бўлим 40000 - Даромадлар
 V бўлим 50000 - Харажатлар
 VI бўлим 90000 - Кўзда тутилмаган ҳолат бўйича (яъни балансдан ташқари) ҳисобварақлар⁷.

Янги ҳисобварақлар режаси бош китобдаги ҳисобварақлар тизимини акс эттириб, улар молиявий операцияларни гуруҳлаштириш, икки ёқлама ёзувни амалга ошириш, ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш учун ишлатилади. Барча ҳисобварақлар шундай тартибда ишлаб чиқилганки, бунда:

-биринчидан, барча ҳисобварақларнинг бош ва ёрдамчи китобларда жойлашувини осонлаштириш;

-иккинчидан, ҳисобварақларни гуруҳлаш ва таснифлаш;

-учинчидан, ҳисоб ишларини компьютерлаштириш;

-тўртинчидан, операциялар бўйича ёзувларни бажаришни тезлаштиришни таъминлаш мумкинлиги ҳисобга олинган.

Режадаги ҳисобварақлар Бош китоб учун бешта рақамдан иборат қилиб кодлаштирилган. Ҳисобварақларнинг номерланиш қўйидагича.

C	MM	SS
---	----	----

C – ҳисобварақ категориясини билдиради

яъни 1 - активлар

2 – мажбуриятлар

3 - капитал

4 - даромадлар

5 - харажатлар

9 - кўзда тутилмаган ҳолатлар.

MM - юқорида санаб ўтилган категориялардан бирига қарашли асосий ҳисоб

SS - асосий ҳисобга қарашли бўлган субҳисоб (иккинчи тартибли ҳисобварақ)

Масалан 10000 - активларни билдиради.

10100 - активга қарашли нақд пулларни билдирувчи асосий ҳисоб.

10101 - айланма кассадаги нақд пулларни билдирувчи ҳисоб.

Демак, 1 - активлар

01 - нақд пуллар

01 – айланма кассадаги нақд пуллар

Барча категорияга қарашли асосий ва субҳисоблар худди шундай тартибда номерланади.

Худди шундай мисолни “Мажбуриятлар” категорияси бўйича кўриб чиқамиз. Банк мажбуриятлари талаб қилиб олинмаган (муддатсиз) депозитлардан бошланади: яъни, 20200 - талаб қилиб олинмаган депозитлар бунда, 2- пасивлар категориясини, 02 эса шу пасивларга тегишли асосий

⁷ F. T. Abduvaxidov. Tijorat banklarida buxgalteriya hisobi: O'quv qo'llanma. –T.: 2007, -164 bet.

ҳисобварақни билдиради. Ушбу асосий ҳисобварақ бир қанча ёрдамчи ҳисобварақларни ўз ичига олади:

20202- ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятининг талаб қилиб олинadиган депозитлари

20203- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозитлари.

Демак, 20200-талаб қилиб олинadиган депозитлар бўйича асосий ҳисобварақ бир нечта ёрдамчи ҳисобварақни ўз ичига олар экан. Юқорида санаб ўтган депозит ҳисобварақларининг ҳаммаси корхона ва ташкилотларининг ҳисоб-китоб счётларига тенглаштирилган бўлиб, улар орқали мижозларининг ҳисоб-китоб, касса, кредит ва бошқа операциялари ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар ўзларининг ортиқча пул маблағларини жамғарма (20400) ёки муддатли (20600) депозитларда сақлашлари мумкин. Бу асосий ҳисобварақлар ҳам талаб қилиб олинadиган депозитлар ҳисобварақлари каби номерланиб, ўз ичига юқорида кўрсатилгани каби бир нечта қўшимча ҳисобварақларни олади. Ҳисобварақлар режасининг қолган бўлимлари ҳам худди шундай тартибда номерланади. Ҳисобварақлар орқали бухгалтерия операцияларини бажариш тартиби билан кейинги параграфда танишиб чиқамиз.

2.2. ХАТБ “Инфинбанк”да «фронт-офис» тизими асосида банк операцияларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартиби

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш жараёнида банкларда бажариладиган пул операциялари, пулларнинг бутлиги, уларнинг хўжалик оборотида мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назорат қили-нади ва амалга оширилади.

Балансдаги ва балансдан ташқари синтетик счётларнинг ўзларида умумлаштирувчи кўрсаткичлар орқали операцияларнинг иқтисодий мазмуни акс эттирилади. Бироқ банкдан амалга ошириладиган муайян банк операцияларини банкнинг айнан қайси мижози корхона, ташкилот, муассаса бажарганлигини билиш лозим. Шу мақсадларда синтетик ҳисобнинг ҳар бир балансдаги ва балансдан ташқари счёт бўйича банкнинг ҳар бир мижози учун аналитик ҳисобнинг шахсий счётлари очилади. Шу билан бирга, аналитик счётларнинг шифрлари-га қўшимча, лекин зарур маълумотлар киритилиши мумкин, яъни:

- мижозларга берилган ссудалар бўйича шахсий счёт шифрига кредит ёки ссуданинг мақсад тайинланиши шифри киритилади;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш операциялари бўйи-ча шахсий аналитик счётларга ҳисобот белгиси киритилади;
- бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича операцияларни ҳисобга олишда шахсий счётларга бюджет тўланишининг шифри қўшилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга очиладиган барча шахсий аналитик счётлар ва субсчётлар, банк томонидан иккинчи тартибли счётлар бўйича олиб борилади, белгиланган шаклда китоб-га қайд қилиниб, бу китоб бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарида сақ-ланади. Китоб қайд қилиш билан бирга ҳар бир мижозга тартиб рақами - шифр берилади. Бу рақам шу мижоз учун муайян балансда-ги, балансдан ташқари счётга очиладиган шахсий счётларни рақам-лаш учун зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилишнинг асосий принципларидан бири икки ёқлама ёзув усулидир. Икки ёқлама ёзув усулининг мазмуни нимадан иборат? Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзув усулини амалиётга тадбиқ этилиши махсус бухгалтерия ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Бу ҳужжат ҳисобварақ бўлиб, у икки қисмдан иборат бўлади.: чап томони “дебет”, ўнг томони эса “кредит” деб номланади. Хар бир ҳисобварақнинг кун бошига бўлган бошланғич қолдиғи (сальдо) бўлиб, операциялар ўтказилгандан сўнг дебет ва кредит оборотларни ҳисобга олган ҳолда кун охирига бўлган қолдиғи чиқарилади.

Барча ҳисобварақлар ўз мазмунига кўра актив ёки пассив бўлиши мумкин. Банкнинг ўз маблағларини ҳисобга олишда ишлатиладиган ҳисобварақлар актив ҳисобварақлар бўлиб ҳисобланади. Банк маблағларининг манбаини ҳисобга олишда ишлатиладиган ҳисобварақлар эса пассив ҳисобварақлар бўлиб ҳисобланади.

Актив ҳисобварақларга банкдаги нақд пуллар, банкнинг вакиллик ҳисобварақасидаги маблағлар, турли муддатларга, банкларга, ҳукуматга, корхона ташкилотларга берилган кредитлар, асосий воситалари, банк харажатлари киради. Пассив ҳисобварақларга эса, турли депозитлардаги маблағлар, бюджет маблағлари, банк капитали, даромадлари ва ҳаказо киради.

Актив ҳисобварақларнинг қолдиғи унинг “дебет” қисмида бўлиб маблағларнинг кўпайиши ҳам дебетда акс эттирилади, маблағларнинг камайиши эса ҳисобварақнинг кредитида кўрсатилади. Пассив ҳисобварақлар бўйича аксинча, қолдиқ ҳисобварақнинг кредит томонида бўлиб, маблағларнинг келиб тушиши унинг кредитида, маблағларнинг камайиши яъни чиқиб кетиши дебетда ўз ифодасини топади.

Актив ва пассив ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ёзувларини қўйидагича жадвалда ифодалаш мумкин.

-жадвал

ХАТБ “Инфинбанк”да актив ҳисобварағи

Дебет	Су мма	Кредит	С умма
1. Кун бошига бўлган бошланғич қолдиқ (сальдо)	1. Маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши
2. Маблағларнинг келиши	а)
а)	б)	
б)	в)	
в)	5.Маблағларни ҳисобдан чиқарилиш бўйича оборотлар
3. Маблағларнинг келиши бўйича оборотлар суммаси $(a + b + v)$	суммаси $(a + b + v)$
6. Кун охирига бўлган қолдиқ $(1 + 3 - 5)$

		
--	-------	--	--

Ушбу жадвалда кўриб турганимиздек ҳисобварақа икки қисмдан иборат бўлиб, унинг дебитида кун бошига бўлган қолдиқ акс эттирилган (1). Кун бўйи турли операциялар бўйича ҳисобварақага келиб тушган маблағлар (2) жамланиб “дебет” бўйича оборотларни (3) ҳосил қилган. Ҳисобварақадан маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши (4) ҳамда шу барча тўловлар бўйича умумий оборотлар (5) ҳисобварақанинг пассив қисмида акс эттирилди. Энди кун охирига бўлган қолдиқни (6) топиш учун бошланғич қолдиқ суммасига кун бўйи келиб тушган маблағлар бўйича оборотлар суммасини қўшиб, кун бўйи ҳисобдан чиқарилган маблағлар йиғиндисини ифодоловчи оборотлар суммасини айирамиз. Шундай қилиб, актив ҳисобварақа бўйича кун охирига бўлган қолдиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Энди пассив ҳисобварақа орқали ўтказиладиган операцияларни ифодоловчи 3-жадвални кўриб чиқамиз. Пассив ҳисобварақлар бўйича кун охирига бўлган қолдиқни (6) ҳисоблаб чиқариш учун кредитда акс эттирилган кун бошига бўлган қолдиққа (1) кун бўйи келиб тушган маблағлар йиғиндисини ифодоловчи оборотлар суммасини (3) қўшиб пассив ҳисобварақ дебитида ўтган кун бўйи

-жадвал

ХАТБ “Инфинбанк”да пассив ҳисобварағи

Дебет	С умма	Кредит	С умма
4. Мажбуриятларнинг камайиши (Маблағлар манбаларининг камайиши) яъни маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши		1. Кун бошига бўлган дастлабки қолдиқ	...
а)	2. Маблағларнинг келиши (мажбуриятларнинг кўпайиши)
б)	а) ..	
в) ..		б)
5. Маблағларни ҳисобдан чиқарилиши бўйича оборотлар суммаси (a + б + в)		в)
		3. Маблағларнинг келиши бўйича оборотлар суммаси (a + б + в)	
		6. Кун охирига бўлган қолдиқ (1 + 3 – 5)	...
	..		

маблағларнинг чиқиб кетиш бўйича оборотларни ифодоловчи оборотлар суммасини (5) айирамиз.

Умумий қилиб айтганда, ҳисобварақанинг қайси томонида қолдиқ бўлса, шу томондаги маблағлар кўшилиб, қарама-қарши томондаги маблағлар суммаси айирилади.

Корхона ва ташкилотлар ҳамда банк ҳаётида турли-туман хўжалик операциялари содир этилади. Бу операцияларни балансга таъсирга кўра мазмунан тўртта гуруҳга бўлишимиз мумкин⁸.

1 гуруҳ операцияларида иккита актив ҳисобварақ иштирок этиб, уларнинг бири маълум суммага камаяди, иккинчиси эса худди шу суммага кўпаяди.

$$A - A +$$

Бундай ўзгариш банк баланснинг натижаларига таъсир қилмайди чунки ўзгариш фақатгина банк активларининг ичида содир этилади. Бунга мисол қилиб, қўйидаги бухгалтерия ёзувини келтирамиз:

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10103 «Айрибошлаш шахобчасидаги нақд пуллар»

Ҳар икки ҳисобварақ ҳам актив характерга эга. Банк ўз айланма кассасидаги нақд пулни айрибошлаш шахобчасига беради ва битта актив ҳисобварақ 10101 маълум бир суммага камаяди, иккинчи актив ҳисобварақ 10103 худди шу суммага кўпаяди. Умумий баланс натижаси ўзгармайди.

2 гуруҳ операцияларида иккита пассив ҳисобварақ иштирок этиб, уларнинг бирида маълум суммада маблағлар камаяди, шу маблағлар суммасига иккинчи пассив ҳисобварақаси кўпаяди.

$$P - P +$$

Банк пассивларидаги бундай ўзгариш ҳам баланс натижасига таъсир этмайди, чунки ўзгариш фақат баланснинг пассив қисмида содир этилди. Бундай ўзгаришни қўйидаги бухгалтерия ёзуви орқали кўриш мумкин:

Дебет 20214 Кўшма корхонанинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кредит 20208 Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

20214 ва 20208 ҳисобварақларнинг иккаласи ҳам мазмун жихатидан пассив. Мисолимизда мол сотувчи корхона хусусий корхона, мол сотиб олувчи корхона кўшма корхонаси ҳам банк миждози ҳисобланади. Мол сотиб олувчи корхона олган моли учун мол сотган хусусий корхонага пул ўтказмоқда. Бунда битта пассив ҳисобварақ камайиб (20214), бир хил суммага иккинчи пассив ҳисобварақ (20208) кўпаймоқда. Бундай ўзгариш баланс натижасига таъсир қилмайди, чунки ушбу ўзгариш баланснинг пассив қисми ичида бўлиб ўтади.

3 гуруҳ операцияларида битта актив ва битта пассив ҳисобварақ иштирок этиб, уларнинг иккаласи ҳам бир хил суммага кўпаяди.

$$A + P +$$

Бунинг натижасида банк баланснинг актив ва пассив томонлари бир хил суммага кўпаяди, яъни банк маблағлари ҳам, уларнинг манбалари ҳам ортади. Бунга мисол қилиб, савдо фирмаси томонидан савдо тушумини банк кассасига

⁸ ТЕМИРОВ А.А. “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва оператив техника” Ўқув қўлланма Тошкент- 2009 й.-215б.

топшириш бўйича операцияни келтирамиз. Бу операцияни қўйидаги бухгалтерия проводкаси орқали кўриш мумкин.

Дебет 10101 Айланма кассадаги нақд пуллар

Кредит 20208 Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Мисолимизда хусусий фирманинг топширган нақд пуллари умумий суммасига «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи ва Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозитлари» бўйича ҳисобварағи кўпайади, бу ҳолда 10101 ҳисобварақ актив, 20208 ҳисобварақ эса пассив. Шунинг учун баланснинг иккала томони ҳам топширилган пул суммасига ортади.

4 гуруҳ операцияларида ҳам иккита ҳисобварақ иштирок этади. Уларнинг бири актив, иккинчиси пассив мазмунга эга бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил суммага камаяди

А – П –

Бунинг натижасида баланснинг иккала томони ҳам бир хил суммага камаяди. Масалан, давлат корхонаси ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун банкдан нақд пул олди. Бу операция қўйидаги бухгалтерия проводкаси орқали ифодаланади.

Дебет 20210 Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

Кредит 10101 Айланма кассадаги нақд пуллар.

Давлат корхонасининг банкдан нақд пул олиши натижасида унинг «Талаб қилиб олинган депозитлари» ҳисобварағи иш ҳақига олинган суммага камайтирилди, нақд пуллар банк кассасидан тўланди, шу сабабли «Айланма кассадаги нақд пуллар ҳисобварағи» ҳам худди шу суммага камайтирилди. Натижада банк маблағлари ва уларни манбалари бир хил суммага камайди.

Шундай қилиб, банк операцияларини мазмунан 4та гуруҳга ажратдик ва бухгалтерия проводкаларини бажариш тартиби, улар натижаларининг банк балансига таъсирини кўриб чиқдик. Банк орқали ўтказилган барча операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаришда юқорида келтирилган тўрт ҳолатни асос қилиб олиш мумкин.

2.3. ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизимида пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби

Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари миждозларидан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилади.

К.Наврўзованинг фикрига кўра: Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижрога фақат миждознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган

варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.⁹

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари куйидагилардир:

мижознинг (муассасанинг) номи (жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми ва шарифи) ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

пул олувчи ва пул тўловчи мижозлар ҳисобварақ рақамлари;

уларга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

операциянинг номи, мақсади ва суммаси (рақам ва сўз билан);

мижоз муҳри (муҳр мавжуд бўлса) ва масъул шахсларининг имзолари.

Ҳужжатларда операция мақсади аниқ баён этилиши лозим. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

З.Умаровнинг фикрига кўра: Банк операциялари қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин (Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими ёки пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар). Электрон ҳужжатлар пул ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхасида белгиланган барча реквизитларга эга бўлиши шарт.¹⁰

Электрон ҳужжатлар масъул шахслар имзолари ўрнини босувчи — электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Электрон ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида уларнинг бирор кўрсаткичларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинади:

а) юридик шахслардан — асл нусхада имзо намуналари варақчасида кўрсатилган имзолар намунаси ва асосий муҳрнинг изига мувофиқ мансабдор шахсларнинг (раҳбарлик вазифаларини амалга оширадиган шахснинг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширадиган шахснинг) имзоси ҳамда асосий муҳри изи мавжуд бўлганда, (микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзо намунасини тақдим этиш талаб этилмайди);

б) юридик шахс ташкил қилмасдан туриб деҳқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан — варақчада кўрсатилган имзолар намунасидан биттаси ва асосий муҳрнинг изи мавжуд бўлганда. Агар банкка тақдим қилинган имзолар намунаси ва муҳр изи қўйилган варақчада уларнинг асосий муҳри бўлмаган ҳолларда, деҳқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари муҳр изисиз қабул қилишга рухсат берилади.

Имзолар ўз эгасининг қўли билан қўйилиши шарт. Барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида имзо изи туширилган факсимилни қўйиш тақиқланади.

⁹ Наврўзова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма 2004 йил Т.

¹⁰ Умаров З. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Бозор, пул, кредит”. 2005.

Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) ҳамда нақд пул билан боғлиқ операциялар бўйича тўлов ҳужжатлари Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 258-модда) назарда тутилган шаклларга асосан тўлиқ ва тўғри тўлдирилиб, расмийлаштирилиши шарт.

А.И. Мерцалованинг фикрига кўра: Банк кассасидан нақд пул олиш учун фойдаланиладиган нақд пул чеклари бир хил рангли сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилган бўлиши шарт. Ҳужжатнинг тўлдирилмаган қисмларга иккита параллел чизик тортилиши лозим.¹¹

Ҳисобварақ эгасининг номи, унинг ҳисобварағи рақами ва банк номи чекларда ҳамда эълонларда бурчак штамплар билан кўрсатилиши мумкин. Банкда бериладиган нақд пул ҳужжатларида сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. «Сумма рақам билан» ҳамда «Сумма сўз билан» реквизитларидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойларга учлари диагональ чизик билан бирлаштирилган икки параллел чизик тортиб қўйилади.

Нақд пул чекининг олд томонида албатта, нақд пул олиш учун корхона томонидан ишончнома берилган шахснинг исми, шарифи ёзилади. Ҳисобварақ эгаси нақд пул чекларининг орқа томонида харажатларнинг мақсадини кўрсатиши шарт, ушбу маълумотлар чек берувчининг имзолари билан тасдиқланади ва пул олувчининг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат (ҳужжат фақат, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўз ходимларига берилган бўлса) маълумотлари кўрсатилади. Бу маълумотлар олувчиларнинг ўзлари томонидан тўлдирилиши шарт. Нақд пул берилиши учун асос бўладиган пул чеклари ва чиқим касса ордерлари олувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Нақд пул чеки бўйича маблағ чекда шахси кўрсатилган шахсга тўланади. Чек бўйича пул олиш ҳуқуқи бошқа шахсга топширилиши ман этилади. Иккинчи имзо ҳуқуқи билан чекни имзолаган ташкилот бош бухгалтери ёки бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим номига ёзилган чек бўйича пул тўланишига йўл қўйилмайди. Фақат ҳарбий қисмлар, ҳарбий ташкилотлар, марказлаштирилган бухгалтериялар хизматидан фойдаланмайдиган ўз-ўзини бошқариш органларининг, шунингдек пул олишига рухсат этиладиган бошқа шахс штатида бўлмаган ташкилотлар ҳисобварақларига доир чеклар бундан мустасно. Бу ҳолат ҳисобварақ эгаси имзолар намунаси варақчасида қайд этган тегишли ёзув билан (иккинчи имзо намунасидан кейинги сатрда) тасдиқланган бўлиши лозим.

¹¹ Мерцалова А.И. Учет операционная деятельность в кредитных организациях: кассовые, расчетные, депозитные и кредитные операции: учебное пособ.- М.:КНОРУС, 2009.- 356 с.

Банк раҳбари, айрим ҳолларда, чек бўйича қисман пул тўлашга ва пул олувчи шахсга ушбу чек бўйича унга амалда берилган пул суммаси тўғрисида маълумотнома беришга рухсат этиши мумкин.

Маълумотномага банк раҳбари ва бош бухгалтери имзолари қўйилиб, банк муҳри босилади. Пул олувчидан олинган пул суммаси тўғрисида чекнинг орқа томонига тилхат ёздириб олинади. Ушбу чек бўйича бошқа нақд пул олишга рухсат берилмайди ва унга қисман тўлангани ҳақидаги маълумотноманинг нусхаси илова қилиниб, шу куннинг касса ҳужжатларига қўшиб тикилади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларининг»(рўйхат рақами 1111, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) 196-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва уларга қаршли муассасаларнинг тўлов топшириқномалари ва чекларида тўловлар мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди.

Банк операциясини ўтказиш учун асос бўладиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида, уларни тўғри расмийлаштирганлиги ва текширилганлигини билдирувчи банк мансабдор шахсларининг имзолари бўлиши лозим.

Бажарилган операцияларни исботловчи ҳужжатлар сифатида банкда сақланадиган ҳужжат нусхалари ҳамда ҳисобварақлардан олиниб, уларнинг эгаларига юбориладиган кўчирмаларга илова қилинадиган нусхалар ҳам ушбу банк ходимларининг имзолари билан расмийлаштирилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар имзоларининг намуналари махсус бланкаларда берилади. Бу намуналар банк раҳбарининг имзо чекиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги фармойиши ҳисобланади, уларга банк раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади. Махсус бланкалар шакли банк томонидан мустақил белгиланади.

Айрим бухгалтерия ходимлари бошқалари билан алмаштириладиган ҳолларда янги ходимлар имзоларининг намуналари алоҳида бланкаларда берилади. Банк мансабдор шахслари имзоларининг бекор қилинган ва ўзгартирилган намуналарини уларнинг устидан чизиш йўли билан ўчирилади.

Пул ва қимматликларни қабул қилиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳужжатлар, шу жумладан, пул ва қимматликлар қабул қилингани тўғрисидаги квитанцияларда юқорида қайд этилган имзолардан ташқари пул ва қимматликларни қабул қилган ёки берган кассирнинг имзоси ҳам бўлиши шарт.

Кирим касса ордерларига ҳамда пул ва қимматликларни қабул қилиш квитанцияларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган касса ходимларининг фамилиялари, уларнинг имзо намуналари банк раҳбари томонидан чиқарилган махсус бланкаларда кўрсатилади.

Бош бухгалтер имзоларнинг тегишли намуналари ўз вақтида кассага, бухгалтерия ходимларига ва назоратчи ходимларга берилиб, бу ҳақда улардан тилхат олинишини таъминлаши шарт. Бундан ташқари, бош бухгалтер имзо чекиш ҳуқуқи бекор қилинган шахслар имзоларининг намуналаридан

фойдаланувчи мансабдор шахслар кўлидаги рўйхатлардан ўз вақтида ўчирилишини ҳам кузатиб бориши шарт.

Банкнинг ички операциялари банк ходимлари томонидан ушбу Йўриқнома ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўрнатилган шаклларда расмийлаштириладиган ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Бунга, хусусан, мемориал ордерлар, кирим ва чиқим касса ордерлари, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича мемориал ордерлар, кредит бўлими ҳамда банкнинг алоҳида операциялари бўйича тайинланган мутасадди ходимининг фармойишлари ва бошқалар кирази.

Банк тўловчи бўлиб иштирок этган ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб борувчи бухгалтер ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Муддатида тўланмаган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини (2-картотекага кирим қилинган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари ва инкассо топшириқномалари) қисман тўлаш учун дастурий равишда тузилган мемориал ордерларнинг «Тўлов мақсади» графасида ҳисоб-китоб ҳужжатининг рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилиши шарт.

Банк тузган ҳужжатларда уларнинг рақамлари қайд этилади. Эълонлар, шунингдек уларнинг квитанция рақамларининг тартиби банк бош бухгалтери томонидан белгиланади.

Эълонлар компьютер техникаси ёрдамида тузилиши мумкин. Техник имконияти мавжуд бўлмаган банкларда эса эълонлар кўлда ёзиб тўлдирилади. Бунда, нақд пул қабул қилингани тўғрисидаги квитанциялар фақат сиёҳли ёки шарикли ручка билан кўлда тўлдирилиши шарт. Фақат бланкалар комплектига киразидиган, бир вақтнинг ўзида қора қоғоз (копирка) билан тўлдириладиган квитанциялар бундан мустасно.

Банк томонидан берадиган квитанцияларда сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. «Сумма рақам билан» реквизидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойга икки параллел тўғри чизик тортиб қўйилади.

Пул омборида сақланаётган қимматликлар ва ҳужжатларни кирим қилиш ва ҳисобдан чиқаришга доир кирим-чиқим ордерларида якуний суммалар сўз билан қайта ёзилади.

Кирим ва чиқим касса журналлари бланкалари компьютер техникаси ёрдамида шакллантирилиб, унинг реквизитлари кўлда тўлдирилади. Унда сана, мижознинг ҳисобварақ рақами, кирим ва чиқим ҳужжатининг рақами, ҳисобот рамзи ҳамда унинг суммаси кўрсатилиши лозим. Шунингдек, ушбу касса журналлари кирим ва чиқим ҳужжатларини дастлабки назоратдан ўтказган масъул ижрочи ва кассирнинг имзолари билан тасдиқланиши шарт. Кирим ва чиқим касса журналларининг шакли мазкур Йўриқноманинг [4-иловасида](#) келтирилган.

III-боб. ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизимида бухгалтерия операцияларини назоратдан ўтказиш тартиби.

3.1. ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизимида бухгалтерия операцияларини дастлабки назоратдан ўтказиш

Дастлабки назорат Фронт-офис ходимлари (агар, банк таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган бўлса) ёки масъул ижрочи бухгалтер (агар, бухгалтерия аппарати бир бутун яхлит бўлган тақдирда) томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар, операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши лозим.

Ф.Т. Абдувахидовнинг фикрига кўра: Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади.¹²

Агар, мижоз тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари мижозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, мижозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто мижозлар томонидан ўзаро келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов талабномалари санаси банк қабул қилган санага мос тушадиган реестри бор бўлган ҳолатда инкассага қабул қилинади.

Агарда банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади. Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича тақдим қилинган тўлов топшириқномалари мижознинг ҳисобварағида тўлов учун етарли маблағлар мавжуд бўлмаганда 2-сон картотекага кирим қилинади.

Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди (олдинги иш кунда «кечки» муҳри билан қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бундан мустасно). Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар учун қабул қилинган тўлов топшириқномалари тўловчининг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда 2-сонли картотекага қабул қилинади.

Масъул ижрочи бухгалтер ёки Фронт-офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч

¹² Абдувахидов Ф.Т ва бошқ. Банкларда бухгалтерия ҳисоби.Т.: ТДИУ, 2010, 224

ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган банк штампи қўйилган ҳужжатнинг охириги нусхаси миждозга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пулни беришда ишлатиладиган чеклар тўлдирилган кундан бошлаб, (тўлдирилган кунни ҳисобга олган ва ҳужжатда кўрсатилган сана тўғрилиланмаган ҳолда) 10 календарь кун давомида банк томонидан қабул қилинади.

А.К.Ибрагимов, М.Д.Марпатов, Н.Қ.Ризаевларнинг фикрларига кўра: Нақд пул чекларини қабул қилишда масъул ижрочи бухгалтер нақд пул чеки билан иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларни даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган ҳолларда нақд пул чеклари банклар томонидан ижрога қабул қилинмайди.¹³

Мижознинг банкдан нақд пул олиш учун ишончнома берилган вакили нақд пул чекини масъул ижрочи бухгалтерга (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда) ёки Фронт-офиснинг ушбу миждозга хизмат кўрсатувчи ходимига тақдим этади. Масъул ижрочи бухгалтер ёки Фронт-офис ходими нақд пул чекини қуйидаги реквизитлари билан унинг тўғрилигини текширади:

нақд пул чеки санаси муддатининг ўтмаганлиги;

нақд пул чекининг рақамини имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчадаги рақам билан мослиги;

миждознинг номи, унинг ҳисобварағи рақами, нақд пул чеки билан олинадиган маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммалари, нақд пул чекида қўйилган имзо ва муҳрни банкдаги имзолар ва муҳр намуналарига мос келиши, шунингдек вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги маълумотларнинг нақд пул чекида қайд этилган маълумотларга тўғри келиши;

миждознинг депозит ҳисобварағидаги маблағларининг нақд пул чек билан олиниши лозим бўлган маблағдан кам эмаслиги.

Фронт-офиснинг ушбу миждозга хизмат кўрсатувчи ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда), мазкур Йўриқноманинг 57¹-бандида кўрсатиб ўтилган текшириш амалларини бажариб, эътироз бўлмаганидан сўнг, нақд пул чекининг орқа томонига тегишли касса рамзи рақами ва санани кўрсатган ҳолда имзолаб, нақд пул чекини Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтерга (Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинмаган банкларда) беради. Нақд пул чекининг назорат маркасини миждозга қайтаради.

Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер миждозлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон

¹³ Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.Қ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «MOLIYA», 2010. -272б.

тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларининг тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади.

Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтернинг имзолари ва штампи борлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади. Шунингдек, Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйаш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

В.Н. Курсовнинг фикрига кўра: Фронт-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларни имзолаб Фронт-офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтерга қайтаради.¹⁴

Фронт-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия-хўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

В.Н.Курсов, Г.А.Яковлевларнинг фикрларига кўра: Фронт-офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекади ва уни Фронт-офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жўнатади.¹⁵

Фронт-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, дастлабки ва жорий назоратдан ўтган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу тўлов ҳужжатларида қонунчилик ҳамда банкнинг ички сиёсатида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

Фронт-офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади. Банк раҳбари буйруғи билан тўловларни тасдиқлаш бошқа банк ходимига топширилиши мумкин.

Банкларда амалиёт куни яқунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб яқуний

¹⁴ Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

¹⁵ Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 216 с. + CD-R.

назоратдан ўтказиш учун якуний нazorat хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

Якуний нazorat хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақларда тўғри акс этирилганлигини пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижалари дастурий баённома билан расмийлаштирилиши ва кунлик йиғмажилдга тикилиши шарт.

Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир-бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Фронт-офис бошлиғи ёки бош бухгалтер ва Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади.

Бундан ташқари, якуний нazorat ходим банк операцияларини бажариш учун асос бўлган барча ҳужжатларни талаб қилишга ва улар асосида операциялар қанчалик даражада тўғри ва мақсадга мувофиқ бажарилганлиги бўйича банк раҳбариятига хулоса бериши мумкин.

Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўладиган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштирган ҳамда имзолаган шахслар, уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, белгиланган муддатларда ижро учун топширилиши, шунингдек операцияларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этириш бўйича жавобгардирлар.

И.А.Муругованинг фикрига кўра: Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ банк ва мижоз ўртасида ёзма шаклда тузилган банк ҳисобварағи шартномаси асосида тартибга солинади. Шунингдек, банк ва мижоз ўртасида кредит, валюта, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар бўйича амалга ошириладиган операцияларининг ҳар бири бўйича тузилган шартномалар асосида бажарилади.¹⁶

Мижоз банкда очган ҳисобварақдаги мавжуд пул маблағларини мустақил тасарруф этади. Мижознинг топшириғига биноан банк ҳисобварағи бўйича бажарилган барча операцияларнинг қонунийлигига мижознинг ўзи жавобгар ҳисобланади.

Маблағ олувчиларнинг розилиги мавжуд бўлганидан қатъи назар, маблағлар олувчиларнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағини четлаб ўтган ҳолда мижознинг топшириғи бўйича учинчи шахслар томонидан тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловлар, фақат талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан мавжуд маблағлар доирасида амалга

¹⁶ Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2004. -36 стр

оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида тартиб билан бошқа депозит ҳисобварақлардан амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно.

Мижознинг асосий ҳисобварағида унга қўйилган талабларни бажариш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда тўловлар Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) талаблари асосида амалга оширилади.

Банк мижознинг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг амалиёт куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт. Тўлов ҳужжати амалиёт куни тугаганидан кейин тушган тақдирда, банк электрон тўловни кейинги банк иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, қонунчиликда ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини ҳамда электрон тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда банкларга нисбатан «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (2001 йил 30 июнь, рўйхат рақами 1044 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2001 йил, 12-сон)да белгиланган жарима жазолари қўлланилади.

Ҳисобварақ эгаси унга кўчирмалар берилганидан кейин икки иш куни мобайнида банкка ҳисобварақ кредити ёки дебетиға хато ёзилган суммалар ҳақида ёзма равишда хабар қилиши шарт. Агар шу муддат ичида мижоз ўз эътирозини билдирмаса, бажарилган операциялар ҳамда ҳисобварақдаги маблағ қолдиғи тасдиқланган ҳисобланади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳамда қонунчиликка зид операцияларни бажаришни рад этишга ҳақлидирлар.

Агар, мижознинг банкка тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид бўлган камчилик ва нуқсонлар аниқланса, ҳужжатдаги имзолар, муҳр изи ёки ёзувлар хусусида шубҳаланса, банк ходимлари ушбу ҳужжатни қабул қилишдан бош тортади ҳамда бунинг учун жавоб бермайди.

Суммаси, мижозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто мижозлар томонидан ўзаро келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам, банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Агар, ҳисобварақ эгаси нақд пул чеки йўқолгани ёки ўғирлангани ҳақида банкка хабар бергунга қадар, бу чеклар бўйича тўлаб юборилган бўлса, бу тўлов учун банк жавоб бермайди.

Айни пайтда банк ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги маълумотлар ва арифметик ҳисоб-китоблар тўғрилиги учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.

Сохта имзолар қўйилган, қалбаки муҳр босилган ёки сохта матнли чек ёхуд тўлов топшириқномаси пулини тўлаб юбориш оқибатида қўрилган зарар бўйича банк ходимининг айбдорлиги исботланмаса, ҳисобварақ эгаси жавобгар бўлади.

Шунингдек, мижознинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига қўйилган сохта имзолар ва босилган қалбаки муҳрни оддий кўз билан қараш орқали аниқлаб бўлмаса, банк ходими бундай ҳужжатларни қабул қилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Мижоз томонидан банк ҳисобварақлари бўйича операциялар ўтказиш учун банкка тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги, яъни ҳужжат белгиланган шаклдаги бланкда ёзилганлиги, банк кўзда тутган барча реквизитлар тўғри тўлдирилганлиги, муҳр изи ва имзолар банкка берилган намуналарга мос келиши ҳамда рақамларда ва сўзларда ёзилган суммалар мос келишига ушбу ҳужжатни қабул қилган ва ички назоратдан ўтказган бухгалтерия ходимлари ва банк бош бухгалтери баробар жавобгар ҳисобланадилар.

Банк мижознинг банкдаги ҳисобварақларидаги маблағларини қонунчиликка зид равишда унинг розилигисиз ёки асоссиз равишда ўчирган ҳолларда, мижознинг талаби билан тегишли суммани ҳисобвараққа киритиб қўйиши шарт.

Агар, банк мижознинг қонунчиликка зид операцияларини билган ҳолда, унинг топшириғи асосида ёки розилиги билан ушбу қонунчиликка зид операцияни бажарса, мижоз ва банк баравар жавобгар ҳисобланади.

Банк бўлинмалари ва хизматлари бажарилаётган банк ички операцияларининг қонунийлиги ва улар тўғри расмийлаштирилиши учун тўла жавобгар ҳисобланадилар.

3.2. ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизимида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

Маълумки, республика банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш бўйича асосий норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) ҳисобланади.

Лекин, ўтган давр мобайнида республика иқтисодиётида, хусусан банк тизими ва бухгалтерия соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банклар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360-сонли қонуни билан Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 28 августда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси” тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа

қонун ҳужжатларига ҳам бир қатор жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги N 9/1-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом янги таҳрири тасдиқланди ва 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан давлат рўйхатига олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги 2012 йил 11 февралдаги 38/1 ва 89-сон қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома” (рўйхат рақами 1009, 2001 йил 19 февраль) ўрнига “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома” янги таҳрирда тасдиқланди ва 2012 йил 1 февралда 2320-сон билан давлат рўйхатига олинди. Шу билан бир қаторда, “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” (рўйхат рақами 2205, 2001 4 март), “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида” Йўриқнома (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) ва бошқа норматив ҳужжатларга бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Табиийки, мазкур ўзгаришлар молиявий ахборотлаштириш тизими бўлган, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш масалаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/7-сонли қарори билан 1834-сонли Йўриқномага” 4-ўзгартиришлар ва қўшимча тасдиқланди ва 2015 йил 9 февралда 1834-4-сон билан давлат рўйхатига олинди. Энди, ушбу 1834-сонли Йўриқномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимча тўғрисида фикр юритамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1834-сонли Йўриқномага киритилаётган навбатдаги ўзгартиришлар ва қўшимча лойиҳаси бўйича бир неча марта тижорат банкларидан ёзма фикр ва мулоҳозалар олинди ва уларнинг мутахассислари билан давра суҳбати ўтказилди. Бундан ташқари, халқаро амалиёт тажрибаси ўрганилди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 6-моддасида тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланиши ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бинобарин, Марказий банк ўзининг банкларни бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишда нисбий мустақилликка эгадир. Ёки, у ўзининг юқоридаги қонуний ваколатидан фойдаланган ҳолда ушбу норматив

хужжатларда банклар фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда айрим чекловлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир асосий норматив ҳужжат 1834-сон Йўриқнома ҳисобланади. Мазкур Йўриқномада (2-банд) банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, миждозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

К.Наврўзованинг фикрига кўра: "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ:

“Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Раҳбар куйидаги ҳуқуқларга эга:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

- бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.”¹⁷

Марказий банк ўзининг қонуний ваколатидан фойдаланган ҳолда 1834-сонли Йўриқноманинг 7-бандида банкларда бухгалтерия ишларини юритиш учун бухгалтерия аппарати тузилиши ва банк бухгалтерия аппаратига шартнома асосида четдан жалб қилинган бухгалтерлар ёки бухгалтерия фирмаси ходимларининг киритилиши қатъиян тақиқланиши тўғрисида талаб киритган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда (6-банд) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни **банк филиали раҳбари** амалга ошириши ҳамда Бухгалтерия аппаратига банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилиши белгиланган. Бундан ташқари, мазкур Йўриқноманинг 16-бандига мувофиқ таркибий тузилмаси **Фронт-офис ва Бэк-офис** сифатида ташкил этилган йирик банкларнинг бухгалтерия аппарати шу таркибий тузилмаларга мос равишда ташкил этилиши мумкин.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари 1834-сонли Йўриқномада белгиланган барча талабларга ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, мазкур ҳужжатга киритилган 4-сонли ўзгартириш ва қўшимча ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, 1834-сон Йўриқноманинг 3-банди биринчи хатбошисида банк операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги **талаблари барча банклар учун мажбурийдир**, - деб белгиланган бўлса, унинг иккинчи хатбошисида, банклар янги ҳужжатда белгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия операцияларни

¹⁷ Наврўзова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма 2004 йил Т.

ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида **ички ҳужжатларини ишлаб чиқишлари мумкин** эканлиги қайд этилган.

Бугунги кундаги банк таркибий тузилмалари ва улар томонидан бажарилаётган операциялар тобуро ранг-баранглашиб ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бораётганлиги муносабати билан ушбу банднинг иккинчи хатбошиси мазмуни шунга мос равишда бойитилди ва қуйидаги таҳрирда баён этилди. **“Банклар ушбу Йўриқномада белгиланган қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда филиал, минибанк ва бошқа шохобчалар фаолиятида бухгалтерия ҳисобини аниқ ва тўлиқ юритилиши ва ички назорат самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳамда уларнинг даромад ва харажатлари ҳисобини тўғри юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тайёрлаш ва тақдим қилиш ҳамда пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тикиш ва сақлаш тартиботларини белгиловчи ички ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари лозим.**” Демак, тижорат банклари юқоридаги янги киритилган норма талабларига асосан ўзларининг барча иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ҳисоб сиёсатларига тегишли ўзгартиришлар киритиб, ички ҳужжатларини ишлаб чиқишлари мумкин.

Биз юқорида, 1834-сон Йўриқномага асосан банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни банк филиали раҳбари амалга ошириши ҳамда Бухгалтерия аппаратида банкнинг бош бухгалтер раҳбарлик қилиши талаби белгиланганлиги тўғрисида айтиб ўтган эдик. Лекин, Йўриқноманинг тегишли бандларида бош бухгалтер маъсулияти тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлари мавжуд бўлганлиги сабабли, 9-банд - Бухгалтерия аппарати ходимларининг аниқ вазифалари Бош бухгалтер томонидан ҳамда 16-банд - “Фронт-офис ва Бэк-офис ходимларининг аниқ вазифалари мос равишда Фронт-офис ва Бэк-офис бошлиқлари томонидан белгилаб берилиши тўғрисидаги янги талаблар билан бойитилди.

Юқоридаги талаблар ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 8-бандининг охириги хатбошисига мувофиқ Йўриқноманинг 10-бандига чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бошқа ходим томонидан юритилиши мумкинлиги ва ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби қўлда ёки дастурий равишда Бош бухгалтер томонидан юритилиши лозимлиги ҳақида аниқликлар киритилди.

Ҳудди шунингдек, Йўриқноманинг 11-бандида белгиланган банк муҳрлари ва бурчакли штапларининг ҳисобини “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома”нинг (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) 289-бандига мослаштириш мақсадида, унга “банк муҳрлари ва бурчакли штапларининг ҳисобини юритилиши мўлжалланган **дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёзма фармойиши билан тайинланган ва қимматликлар билан операциялар олиб боришдан озод этилган шахс томонидан алоҳида китобда рўйхатга олинishi** бўйича аниқликлар киритилди.

Маълумки, 1834-сон Йўриқнома минибанклар фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив ҳужжат ҳисобланади. Амалдаги ҳужжатнинг 18 бандида

барча банк минибанкларда иш куни банк иш кунидан камида **икки соат олдин** якунланиши ва кун давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказилиши ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун банкка иш куни тугамасдан инкассация хизмати орқали етказиб берилиши шарт қилиб белгиланган эди.

Бугунги кунда, барча банкларнинг минибанкларига иш вақтини тугатиш бўйича бир хил аниқ, **2 соатлик вақтни** белгилаш ноўринлиги маълум бўлиб қолди. Чунки айрим банкларнинг минибанклари ўз филалига жуда яқин, баъзилари эса анча узоқда жойлашган. Шунинг учун минибанкларнинг иш вақтини банклар томонидан ўз иш вақтидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилаш мақсадида, мазкур банддаги **икки соат олдин етказиб келиш меъёри бекор қилинди**. Янги ҳужжатга асосан минибанкларда иш куни банк иш куни давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказиш ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун **банкка иш куни тугамасдан олдин** инкассация хизмати орқали етказиб берилгандан сўнг якунланади. Яъни, минибанклар иш куни тугамасдан кунлик бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа қимматликларни инкассация хизмати орқали етказиб беришни таъминлаши лозим.

3.3. ХАТБ “Инфинбанк”да “фронт-офис” тизимида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш йўналишлари

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тамойилларига ўтиш муаммоси ва унинг ечилиши мамлакат банк тизимининг шаклланиши-да муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда тижорат банкларида ушбу масалани ечиш учун имкониятлар вужудга келган бўлсада, бироқ уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

Биринчидан, тижорат банкларининг малакали бухгалтер кадрлар билан нотекис тўлдирилганлиги. Аёнки, банкларнинг, шунингдек, турли банк ассоциацияларининг фаол иштирокисиз малакали бухгалтер кадрлар тайёрлаш муаммосини ечиш жуда қийиндир.

Иккинчидан, бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтиши муносабати билан банк амалиётида ҳозирги кунда бухгалтерлик касби тўғрисида тасаввурларнинг тубдан ўзгариши юз бермоқда. Агарда илгари бухгалтерия ҳисоби ҳисобчиликка тенглаш-тирилган бўлса, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ундан ташқари ахборотни таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш, яъни банк менежментини ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли, бухгалтер кадрларнинг банк бошқарувига иштирок этиши мажбурият сифатида қаралмоғи лозим.

Учинчидан, бир қатор банк операцияларини бухгалтерияда расмийлаштириш учун меъёрий базанинг етишмаслиги, тижорат банкларининг эскирган плансчётлари банк фаолиятини таҳлил этишни қи-йинлаштиради, хорижий банклар амалиётида қўлланиладиган, банклар ишончлилиги ва барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва коэффициентларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Тўртинчидан, маълумотларни узатиш, телекоммуникациялар ва қалбаки ҳужжатларнинг банк фаолиятига кириб келишидан банк ахборотларини ҳимоя

қилиш воситалари техник жиҳозланишининг етарлича бўлмаган даражаси, шунингдек, компьютер хавфсизлигини таъминлашнинг етарли даражада эмаслиги. Бу ерда баъзи банкларнинг банк сирини таъминлашга ноқобиллиги, шу билан бирга, банк биз-несини ривожлантириш банк сирини таъминлашни давлат сиёсати даражасига кўтаришни талаб қилади (Ғарб статистикаси маълумот-ларига кўра, банк соҳасидаги жиноятларнинг 60 фоизи банк ходим-лари томонидан амалга оширилади).

Бешинчидан, баъзи аудиторлик фирмаларининг бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарлича касбий маҳоратга эга эмаслиги, текшириш сифатлари ва масъулиятининг йўқлиги ҳам бухгалтерия ишининг умумий даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Қайд қилинган омилларни ҳисобга олган ҳолда банк ҳисоби сифатини, унинг ишончилиги ва реаллигини ошириш зарур. Қуйида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини очиб берувчи халқаро стандартларнинг айримларини келтирамиз.

Е.П.Козлова, Е.Н.Николаеваларнинг фикрларига кўра: Фаолиятнинг узлуксизлиги. Ушбу стандартга мувофиқ, агар-да келгусида банк ўз фаолиятини давом эттиришни режалаштира-ётган бўлса ва уни тугатиш кўзда тутилмаётган бўлса, бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаси ўзгармайди. Фирмаларни тугатиш ёки ак-тивлар объектини сотиш ҳолларида ҳисоботда яширин зарарни акс эттириш лозим, бундай ҳол агарда мавжуд активларнинг сотиш қий-мати қолдиқ қийматдан кам бўлган ҳолда юз беради.¹⁸

Молиявий йил бўйича тақсимлаш. Ушбу тамойилни амалга ошириш банклардан даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишни кредит тақдим этилганидан бошлаб, маблағлар ҳақиқатда келиб тушган вақтдан эътиборан, уларни амалга оширилишига кўра талаб этади. Шу билан бир вақтда ўсиб бораётган харажатлар фоизлари, де-позитлар бўйича фоизлар тўланиш муддатидан қатъий назар, жор-ий йил ҳисоботида акс этиши лозим.

Эҳтиёткорлик. Бу тамойил банк активлари ва пасивларини муайян эҳтиёткорлик даражасида баҳолашни талаб этади. Бу ўта дол-зарб, чунки уларни кредит харажатларини башорат қилишга мўлжал олади ва захира фондлари миқдорлари ва муддатларига мос ҳолда таваккалчиликда ҳосил қилишни рағбатлантиради.

Янги плансчётлари 1998 йилдан киритилган бўлиб, молиявий статистика соҳасидаги халқаро ташкилотлар талабини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У жаҳон амалиётида тан олинган қуйидаги тамойиллардан фойдаланишни кўзда тутади:

- кредит ташкилотлари фаолиятининг узлуксизлиги;
- ҳисобга олиш усулларининг ва бухгалтерия ҳисоби қоидала-рининг ўзгармаслиги;
- мазмуннинг шаклдан устун бўлиши;
- банк операцияларини амалга оширишда эҳтиёткорлик;

¹⁸ Козлова Е.П., Николаева Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -172 с

- актив ва пассивларни турлича акс эттириш;
- кирувчи баланснинг мустаҳкамлиги;
- муҳимлик;
- ҳисобга олишнинг ошкоралиги;
- қисқа муддатли қарзларнинг узок муддатли қарзларга айланти-риш, яъни консолидация қилиш тамойиллари киради.

Банклар балансини янги счётлар асосида тузиш молиявий ҳи-сobot сифатини яхшилашга, кредит ташкилотлари фаолиятини бошқариш учун зарур бўлган маълумотларнинг ишончлилики ва амалий-лик аҳамиятини янада оширишга имкон беради.

К.Г.Парфёновнинг фикрига кўра: Бухгалтерия ҳисобини юритиш, назорат қилиш ва ҳисоблаш қурилмалари орқали жўнатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (буйруқлар, қарорлар, фармойишлар, сметалар, нормативлар ва бошқа материаллар) бухгалтерияга ўз вақтида топширишлари шарт. Ушбу ҳужжатлар сифатсиз тузилгани ва расмийлаштирилгани ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишга берилиш вақтидан кечиккани, ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги, шунингдек, ғайриқонуний операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар тузилгани учун бу ҳужжатларни тузган ва имзолаган банкнинг мансабдор шахслари жавобгар бўладилар.¹⁹

Бирламчи ҳужжатларни тузиш вазифаси юклатилган ҳамда бу ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар рўйхати бош бухгалтер билан келишилади.

Имзо қўйиш ҳуқуқи йўқлигига қарамай, бирон-бир пул ҳисоб-китоб ҳужжати имзолаган бухгалтерия (банк бухгалтерияси) ходимлари тегишли тартибда жавобгарликка тортиладилар. Худди шундай, имзо ҳуқуқи берилган банк ходимлари ўз ваколатларидан ташқари фаолият юритган ҳолларда ҳам тегишли тартибда жавобгарликка тортилади.

Банк тўловчи сифатида иштирок этиб, мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкнинг раҳбарига ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Бундан ташқари, Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонаси номи *Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимининг электрон маълумотномалар ягона базасига* ўзгарганлиги сабабли ҳамда банк томонидан мижозга тақдим қилинган ҳужжатларни (бу ерда шахсий ҳисобварақдан кўчирма назарда тутилмоқда) қалбакилаштиришни олдини олиш мақсадида, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар “компьютер ёрдамида тайёрланганлиги учун, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди” *жумласи* “шахсий ҳисобварақдан кўчирма интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимида тайёрланади, улар

¹⁹ Парфёнов К.Г. Банковский учет (бухгалтерский учет и операционная техника в коммерческих банках кредитных организациях): изд. 4-е, перераб. и допол. -М.: ООО "Парфенов.ру", 2004. - 178 с

мижозларга берилаётганда мазкур мижозга хизмат кўрсатувчи маъсул ижрочи бухгалтер (Фронт-офис ходими) имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан расмийлаштирилади” жумласига, шунингдек, мазкур банднинг учинчи хатбошидаги “Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонаси” сўзлари “Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизимининг электрон маълумотномалар ягона базаси” сўзларига га ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмаслиги лозим. Шу сабабли, 1834-сон Йўриқноманинг 31 ва 32, 73-банднинг иккинчи хатбоши ва 74-бандда белгиланган нормалар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низомнинг (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) мос равишда 20, 7 ва 5-бандларида такрорланганлиги ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 33-банд талаблари унинг янги 26-бандига киритилганлиги сабабли, улар чиқариб ташланди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома” (рўйхат рақами 2320, 2012 йил 1 февраль)нинг 13-бандида ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) 12-бандида мазкур талаблар мавжудлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонининг 1-илоvasи 19-бандида тадбиркорлик субъектларидан бюджет олдида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосалар талаб этишни бартараф этиш лозимлиги белгиланганлиги сабабли 57-банднинг иккинчи хатбошида белгиланган “Нақд пул чекларини қабул қилишда маъсул ижрочи бухгалтер нақд пул чеки билан иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни, Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалок муҳр билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган ҳолларда нақд пул чеклари банклар томонидан ижрога қабул қилинмайди”-нормаси ҳамда 1834-сонли Йўриқноманинг 51-бандида такрорланганлиги туфайли унинг 60-бандидаги “Шунингдек, Фронт-офис ходими ёки маъсул ижрочи бухгалтер пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйлаш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим” жумласи чиқариб ташланди.

В.Н.Курсов, Г.А.Яковлевларнинг фикрларига кўра: Бугунги кунда, банкларнинг нақд пул муомаласи билан боғлиқ фаолияти, улар томонидан иктисодиётда амалга оширилаётган устувор вазифалар, мураккаб ва замонавий банк хизматлари ичида камтарона ўрин тутиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти эришган юксак технологик ютуқларидан фойдаланилган ҳолда пул муомаласида нақд

пуллар ўрнини банк (ёки бошқа кредит ташкилотлари) ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ва турли электрон тўлов ҳужжатлари эгаллаб бормоқда.²⁰

Жумладан, бизнинг республикамызда халқаро андозаларга тўла жавоб берувчи замонавий электрон тўлов тизими ишлаб турибди. Ҳозир банк ҳисобварақлари орқали тўловлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклида ўта қисқа вақт ичида амалга оширилмоқда. Айниқса аҳолининг пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз тўловлари ҳажми тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Тўғри, юқорида айтиб ўтганимыздек нақд пул муомаласининг улуши умумий пул айланмасида қисқариб бормоқда. Лекин, нақд пул муомаласини бошқариш, касса ишларини ташкил қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш ишлари безътибор қолиши мумкин эмас. Зеро, нақд пул билан боғлиқ операциялар ўта муҳим ва нозик фаолият сирасига кирганлиги сабабли дастлабки банкирлар томонидан “касса операциялари банкнинг юраги” деб баҳоланган.

Бугунги кунда банк тизимида рўй берган технологик ўзгаришлар ва амалдаги қонун ҳужжатлари талабидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк раҳбарияти томонидан кассадан нақд бериш операциялари устидан назортини кучайтириш ва мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида амалдаги меъёрий ҳужжатлар қайтадан кўриб чиқилмоқда. Жумладан, Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 22 октябрдаги 326-А/2-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларида тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 622-сонли низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида мазкур газетада ҳам ахборот эълон қилинган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, 1834-сонли Йўриқноманинг ҳам тегишли бандларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, банк амалиётида кирим ва чиқим касса журналлари бланкалари компьютер техникаси ёрдамида шакллантирилиб, унинг реквизитлари қўлда тўлдирилаётганлиги сабабли, 1834-сонли Йўриқноманинг 48 банди шу мазмундаги янги тахрирда берилди. “Кирим ва чиқим касса журналлари банк амалиёт кунини давомида компьютерда юритилганда, улар кун якунида қоғозга чоп этилади ҳамда дастлабки назоратдан ўтказган Фронт–офис ходими ёки масъул ижрочи, кирим ёки чиқим кассирлари ҳамда касса мудирини томонидан имзоланади.

²⁰ Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 216 с. + CD-R.

Хулова ва таклифлар

Ҳозирги пайтда банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда ХАТБ “Инфинбанк”да фронт-офис тизими асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишини меъёрлаштириш бўйича ҳужжатларда изоҳ сифатида, ХАТБ “Инфинбанк”да бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисоб маълумотини қайта кўриб чиқиши ва уни ҳисобида кўрсатиш таъкидланган.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятининг услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилиниши; тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилиш; бухгалтерия ҳисобини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги битирув малакавий ишимизда ундай тадқиқот жараёнида қўйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

-Шуни таъкидлаш жоизки тижорат банкининг бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларга мослаштириш керак деб ўйлаймиз. Банкда тўловлар ва ҳисоб-китоблари ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини юритиш, уларнинг пул маблағларини сақлаш, кредитлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар банк фаолиятининг маҳсули бўлиб ҳисобланади.

- Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланаган ҳолда банкнинг актив ва пассив операциялари режалаштирилади. Молиявий ҳисоботларнинг натижаси банкнинг молиявий ҳолатини кўрсатади ва банк раҳбарларига банк ишини ривожлантиришда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга шароит яратади. Шу қабул қилинган сиёсат асосида тадбирларни амалга ошириш механизми яратилади, бу фаолият банк ходимларининг кунлик иш жараёнларида ҳамда операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда ўз ифодасини топгандир.

- Банкларда бухгалтерия ишини ташкил этиш асослари корхоналар бухгалтерия ҳисобига ўхшаш бўлсада, баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу сабабли банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда қўйидаги қонуний ҳужжатлар асос қилиб олинади:

-Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни;

-Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни;

-Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи” бўйича 1834-сонли йўриқномаси;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа меъерий ҳужжатлари асосида ХАТБ “Инфинбанк” банк операцияларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартиби баён қилинди.

- ХАТБ “Инфинбанк”нинг бош бухгалтер томонида бухгалтерия ҳисобини олибори ва ташкил этиш масалалари қўйида-гилардан иборат:

-банк операцияларини ўз вақтида бухгалтерия ёзувларида акс эттириш ва банк бухгалтерия ишини тўғри ташкил этилганлиги;

-банкнинг барча операциялари бўйича ҳужжатлар айланишини ўз вақтида ташкил этишни таъминлаш, операцияларнинг натижаси бўйича баланс тузиб, раҳбарга топшириш муддатлар аниқ белгилаб берилган;

-кундалик балансни операцион кун тугаши арафасида яқунлаш ишлари тартибланган;

-мижозлардан келадиган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва қонунийлиги устидан назорат қилиш;

-қимматбаҳо ҳисобот бланкаларининг тўлиқ сақланиши ва улар бўйича тўғри ҳисоб олиб борилишни таъминлаш;

Банкларда бажариладиган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ҳам муҳимлиги эътиборга олиб, ХАТБ “Инфинбанк” банк ҳисоб-операцион бўлимида, банклараро ҳисоб-китоблар бўлими, давлат бюджетини кассавий ижроси бўлими, банк ички операцияларини ташкил этиш кўлами билан белгилаб берилди. Шу жумладан ХАТБ “Инфинбанк” бўйича банк операцияларини бухгалтерия ёзувларида ақс эттириш тартиби, бош китоб ва унинг материаллари ҳисобга олиб боришнинг синтетик усули, тўлов топшириқнома ва тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини расмийлаштирилиши вазифалари кўриб чиқилди.

ХАТБ “Инфинбанк”нинг ойлик, чораклик ва йиллик сальдо оборот қайдномалар ҳам Бош китоб материаллари бўлиб ҳисобланади. қайдномаларининг ҳар бири маълум бир ҳисобот даврига яъни ой, чорак ва йил бўйича тузиши тамойиллар ёритилди.

ХАТБ “Инфинбанк”ҳисоботининг тузилиши банк даромадлари ва харажатлари ҳамда соф фойдасини ҳам мутлоқ ҳам нисбий кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилишга имкон беради. Шу билан бир қаторда олинган маълумотларни ҳисобот даври бошланишига қадар бўлган маълумотлар билан таққослаш, банк кўрсаткичларининг бир қанча ҳисобот даврлари давомидаги ўзгаришларини таҳлил қилиш, банк фаолиятини баҳолаш ва тегишли молиявий қарорлар қабул қилиш бўйича маълумотларни таҳлил қилиб, таҳлилий натижалар урганилди.

ХАТБ “Инфинбанк” балансининг шакли Марказий банк томонидан халқаро андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тайёрлаш ҳамда такомиллаштириш натижасида самарадорликка эришишдир.

Бизнинг фикримизча юқорида берилган хулосалар ва таклифлармиз **ХАТБ “Инфинбанк”**да бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти очиб берилган бўлиб, унда банк тизини бошқариш борасидаги бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштиришига ёрдам беради деб, ҳисоблаймиз ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчилар учун зарур маълумотлар билан янада тўлиқ ва ишончли таъминланишларига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 2000 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни, 2005 йил 16 декабр.
5. “Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1995й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4043-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 18 майдаги ПФ–4725-сон Фармони

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси. ЎЗР АВ 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси. ЎЗР АВ 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).
3. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 2000 йил 25 ноябрдаги 420-1 сон, 2002 йил 20 апрелдаги 420-2 сон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга

олинган 2000 йил 21 декабрдаги 949-1 сон, 2002 йил 14 майдаги 949-2 сонли ўзгартириш ва кўшимчалар билан бирга)

4. Ўзбекистон Республикасида банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: 2003. - 125 бет“
5. “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 1727, 2007 йил 12 октябрь)
6. “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низом” (рўйхат рақами 1835, 2008 йил 12 июль) 26 июлдаги 318-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари томонидан эълон қилинадиган ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 2000 йил «31» «август» № 964 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувида Тасдиқланган 2000 йил «19» август (протокол № 15) № 310
8. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар» тўғрисидаги ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди 2010 йил 8 ноябрь, 1419-1-сон Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/14 – сон қарори №582-1
9. Ўзбекистон Республикасида банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: 2003. - 125 бет

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

10. И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи// январь 2015 й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш” тўғрисидаги маърузаси. (“Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687))
12. ЎзР Президенти И.Каримовнинг 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 20 январь, № 14 (4434).

13. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзи. - Т.: Ўзбекистон, Халқ сўзи газетаси. 2011 йил 1 сентябрь, № 171 (4338).

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220),

IV. Асосий адабиётлар

15. Абдувахидов Ф.Т ва бошқ. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Т.: ТДИУ, 2010, 224

16. Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.Қ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «MOLIYA», 2010. -272б.

17. Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с. 2 экз.

18. Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: «ОМЕГА -Л», 2008 – 476 с.

19. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазовой, Л. Кроливецкой - СПб: Питер, 2008. - 400с.

20. Шиленко С.И. и др. Основы аудита: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 142 с.

21. Климович В.П. Основы банковского аудита: учеб. – М.: ФОРУМ, 2010. – 192 с.

22. Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

23. Усатова Л.В., Серошин М.С. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. – М.: 2007, стр. 399

24. Шпаков Л. В., Барулина Е. В. Бухгалтерский учет как пользоваться МФСО. «Альфа-Пресс». –М.: 2006. -37 с

25. Маренков Н.Л. Международные стандарты бухгалтерского учета, финансовой отчетности и аудита в Российских фирмах. - М.: Едиториал УРСС, 2005. - 143 с.

26. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. –М.: Издательство: экономика. 2005. -185 с

V. Қўшимча адабиётлар

27. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 458 бет.

28. Краливецкая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.

29. Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. / Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус, 2008 -342с.

30. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новые типовые бухгалтерские проводки операций банка: Учеб. пособ. — 10-е изд., испр. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 277 с.

31. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 216 с. + CD-R.
32. Жминько С.И. и др. Внутренний аудит / С.И. Жминько, О.И. Швырева, М.Ф. Сафонова.- Ростов н/Д: Феникс. 2008.- 316 с.
33. Усатова Л. В., Сероштан М. С, Арская Е. В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: Учеб. пособ. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: «Дашков и К°», 2007. — 404 с.
34. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Ўқув қўлланма. 2006, 160 бет
35. Abduvaxidov F.T., Umarov Z.A., Djurayev K.N. Banklarda buxgalteriya hisobi. O`quv qo`llanma.-T.:2010, 224 bet.
36. Черкасов В.К. Финансовый анализ в коммерческом банке. Учебное пособие для вузов. - М.: Изд. «Консалтбанкир», 2006. - 320 с.
37. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. – Т.: ТФИ, 2004. -36 стр
38. Парфёнов К.Г. Банковский учет (бухгалтерский учет и операционная техника в коммерческих банках кредитных организациях): изд. 4-е, перераб. и доп. -М.: ООО "Парфенов.ру", 2004. - 178 с
39. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учёт в коммерческом банке: новые типовые бухгалтерские проводки операций банка. Учеб. пос. -М.: ИНФРА-М, 2004, 213 стр
40. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 143 с
41. Крис Дж. Барлтроп, Диана МакНотон. В 2-х томах. Организация работы в банках. –М.: “Финансы и статистика”. 2003 г 186 стр
42. Козлова Е.П., Николаева Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -172 с
43. Мерцалова А.И. Учет операционная деятельность в кредитных организациях: кассовые, расчетные, депозитные и кредитные операции: учебное пособ.- М.: КНОРУС, 2009.- 356 с.
44. Наврўзова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма 2004 йил Т.
45. М.К.Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари.- Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2005, 144 б.
46. Умаров З. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Бозор, пул, кредит”. 2005.
47. Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: ЎЗР Банк-молия академияси, 2005.-225 бет

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

48. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2012-2015 йиллар
49. Банк ахборотномаси. Газетаси. 2012-2015 йиллар

VII. Интернет сайтлари

50. www.cbu.uz/.

51. www.lex.uz

52. [www. «Norma» 2015.](#)